

## «...Буларга Қиёмат куни мен гувоҳман» | Сийрат дарслари (275-дарс)



19:00 / 29.03.2024 2935

395. Ҳишом ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Уҳуд куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга ҳар бир одамга (гўр) қазиш қийин», дедик.

**«Қазинглар, чуқур қилинглар, кенг қилинглар, икки, уч кишини бир қабрга қўйинглар»**, дедилар. «Қайсинисини олдин қўямиз, эй Аллоҳнинг Расули»? дедик. **«Қуръонни кўп биладиганни»**, дедилар». Отам бир қабрга қўйилган уч кишининг учинчиси эди».

*Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.*

396. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳудда қатл бўлганлардан икки кишини бир кийимга жамлар эдилар. Сўнгра: **«Икковидан қай бири Қуръонни кўп билади?»** дер эдилар. Улардан бирига ишора қилинса, ўшани лаҳадга олдин қўяр эдилар. У зот: **«Буларга Қиёмат куни мен гувоҳман»**, дедилар. Уларни қонлари билан дафн қилишга буюрдилар. Ювилмадилар ҳам, уларга намоз ҳам ўқилмади».

*Бухорий ривоят қилган.*

397. Абдуллоҳ ибн Саълаба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уларни қонлари билан ўранглр. Чунки Аллоҳ йўлида етган жароҳат Қиёмат куни қон оққан ҳолда келади. Ранги қон рангида, ҳиди мушк ҳидида бўлади»**, дедилар».

*Насоий ривоят қилган.*

398. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни хутба қилиб, саҳобаларидан бир кишининг қабз қилинганини зикр этдилар. У нолойиқ кафан билан кафанланган ва кечаси қабрга қўйилганди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маййитни кечаси қабрга кўйишдан қайтардилар. Фақат одам ноилож қолсагина, истисно қилдилар. Яна Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирингиз биродарини кафанласа, кафанини яхши қилсин»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

***Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.